

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҚЎЧҚАРОВ АКМАЛ АРТИГАЛИЕВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ФОНИДА ҚОРИН ОРТИ ПАРДА БЎШЛИҒИ
ЙИРИНГЛИ-ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Қўчкаров Акмал Артигалиевич

Қандли диабет фонида қорин орти парда бўшлиғи йирингли-
яллиғланиш касалликларини хирургик даволашни
такомиллаштириш..... 3

Кучкаров Акмал Артигалиевич

Выбор тактики лечения при гнойно-воспалительных заболеваниях
забрюшинного пространства у больных сахарным диабетом..... 23

Kuchkarov Akmal Artigalievich

Choice of treatment tactics for purulent-inflammatory diseases of the
retroperitoneal space in diabetic patients..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ҚЎЧҚАРОВ АКМАЛ АРТИГАЛИЕВИЧ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ФОНИДА ҚОРИН ОРТИ ПАРДА БЎШЛИҒИ
ЙИРИНГЛИ-ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2900 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матмуротов Қувондик Жуманиёзович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Камалов Тельман Туляганович
тиббиёт фанлари доктори

Касимов Адхам Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

А.В. Вишневский номидаги хирургия Миллий тиббиёт тадқиқот маркази (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 1990 йилдан 2022 йилгача диабет билан яшовчи одамлар сони 200 миллиондан 830 миллионгача ошган. 2021 йилда диабет тўғридан-тўғри 1,6 миллион нафар одамнинг вафотига сабаб бўлган, шунингдек, диабет билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг 47 фоизи 70 ёшга тўлмаган шахслар орасида содир бўлган¹. Қандли диабет (ҚД)нинг жиддий асоратларидан бири бу организмнинг иммун тизими қаршилигининг пасайишидир, бу эса йирингли-яллиғланиш касалликларининг (ЙЯК) ривожланишига олиб келади. Бундай касалликлар, жумладан, қорин орти бўшлиғи каби етиб бориш мураккаб бўлган анатомик соҳаларда ҳам ривожланиши мумкин. Қорин орти бўшлиғининг ЙЯК юзаки инфекцияларга нисбатан камроқ учрайди, бироқ ҚД мавжуд бўлган ҳолларда улар юзага келиш хавфи умумий аҳолига нисбатан 2-4 баробарга ошади. Диабети бор беморларда барча абдоминал ва қорин орти инфекциялари орасида энг кўп учрайдиганлари – паранефрит (25% ҳолларгача) ва қорин орти бўшлиғи клетчаткаси флегмонаси (10-15%) ҳисобланади. Қандли диабет бор беморларда қорин орти бўшлиғининг флегмонаси ёки абсцесси ўз вақтида аниқланмаса, ўлим ҳолати даражаси 30-50% гача етиши мумкин. Қорин орти бўшлиғи клетчаткасининг ЙЯК турли хил клиник белгилар билан намоён бўлиши кўп ҳолларда ушбу касалликни аниқлашни қийинлаштиради ва натижада хирургик даволашнинг дастлабки тактикасини белгилашда муаммолар юзага келади. Шу муносабат билан, замонавий тиббиётнинг долзарб вазифаларидан бири – қандли диабет замирида кечаётган қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда қандли диабет бор беморларда қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари муаммосига бағишланган долзарб тадқиқотлар тиббиётнинг абдоминал хирургия, диабетология, интенсив терапия ва микробиология каби бир неча муҳим йўналишларини қамраб олмоқда. Диабети бор беморларда йирингли жараёнларнинг клиник манзараси ва йирингли ўчоқлардаги микрофлора, хусусан, мультирезистент штаммлар тадқиқ қилинмоқда, шунингдек, гипергликемия шароитида, айниқса флегмона, абсцесс ва қорин орти бўшлиғи флегмоналарида тўқималарда юз берадиган морфофункционал ўзгаришлар ҳам ўрганилмоқда. Эмпирик ва этиотроп антибиотикотерапиянинг мақбул турини танлашга катта эътибор қаратилмоқда. Каминвазив усуллар асосида жарроҳлик аралашувлари учун протоколлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, анъанавий ва лапароскопик жарроҳлик усуллари, айниқса диабетик ангиопатия ва семизлик фониди, таққослаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/diabetes>

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари ва усуллари жорий этиш орқали қорин орти бўшлиғининг йирингли касалликлари билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан янги усулларни жорий этиш орқали қорин орти бўшлиғи йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашда инфекцион-яллиғланиш асоратлари ва рецидивларнинг олдини олиш чораларини такомиллаштириш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли йирингли хирургиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда қандли диабет бутун дунё учун глобал тиббий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти прогнозларига кўра, 2045 йилга бориб Ер шари аҳолисининг 12 фоизи ушбу касалликдан азият чекиши мумкин. Қандли диабет ва унинг асоратлари дунёдаги кўплаб ривожланган давлатларда ўлим сабаблари орасида барқарор равишда тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Қандли диабет фонида кечувчи қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари оғир кечадиган, тез суръатда ривожланадиган ва юқори асоратлар хавфига эга бўлган мураккаб патологик ҳолатлар ҳисобланади (Saad I., 2019; Gunel G., 2024). Қандли диабет яллиғланиш жараёнларини жиддий даражада оғирлаштиради, иммун жавобни пасайтиради, микроциркуляцияни ва тўқималарнинг битиш жараёнларини

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бузади. Жарроҳлик инфекцияси ва ҚД бир вақтда кечганда, улар диагностикаси ва даволашида бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бир томондан, ҳар қандай, ҳатто кичик йирингли-яллиғланиш ўчоғи ҳам барча модда алмашинув жараёнларини бузади, инсулин етишмаслигига олиб келади, қандли диабетнинг ривожланиши ва декомпенсациясига сабабчи бўлади. Иккинчи томондан, модда алмашинувнинг бузилиши, тўқималарнинг регенерацияси ва репарациясининг секинлашиши яллиғланиш жараёнини оғирлаштиради ва кенгайишига ёрдам беради, шу билан беморларнинг аҳволини ёмонлаштиради (Kejela S., 2022; Beg A., 2020).

Қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари (ҚОБЙЯК) деб, яллиғланиш ўчоғида (паранефрал тўқимада) йирингли ва деструктив жараён ривожланиши билан тавсифланадиган ҳолатлар тушунилади. Бу жараён клиник ва лаборатор кўрсаткичлар, шунингдек йирингли инфекция белгиларини ўз ичига олади. Қорин орти бўшлиғидаги йирингли жараён сабабли ушбу ҳудуд органларининг зарарланиши 35% гача етказиши мумкин. Касаллик сепсис билан асоратланганда, ўлим ҳолатлари 28,4% дан 80% гача кузатилади (Monerh B.M., 2021; Segni K., 2022). Шу сабабли ўз вақтида ва сифатли танланган даволаш жуда муҳим ҳисобланади. Жарроҳликда қорин орти йирингли-яллиғланиш касалликларининг диагностикаси ва даволаш сўнги 20-30 йил ичида катта ўзгаришларга учради. Бироқ, олимлар орасида қорин орти йирингли касалликларнинг асоратланган шакллари даволашда ретроперитонеоскопик усулларни қўллаш борасида бир хил фикр йўқ. Кўп йиллар давомида йирингли-яллиғланиш касалликларини хирургик даволашнинг ягона усули очик жарроҳлик аралашуви бўлиб, у “олтин” стандарт сифатида қабул қилинган эди. Каминвазив усулларни қўллаш натижалари, жумладан асоратлар сонининг камайиши, операция муддати, қон йўқотилиши, шифохонада қолиш ва даволаниш муддатларининг қисқариши ҳамда барқарор клиник самаранинг олиниши, қорин орти йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашда ушбу усулларни жорий этиш учун асос бўлди (Кадыров З.А., 2020; Стяжкина С.Н., 2020; Хацко В.В., 2021).

Мамлакатимиз ва хориж адабиётларида кам ёритилган қорин орти бўшлиғининг ўткир йирингли жараёни билан оғирган беморларни консерватив даволаш тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ (Абдулаев М.А., 2019; Дмитриев А.В., 2021; Dong X., 2021). Бу хабарлар шундай ҳолатларни кўрсатадики, баъзи ҳолларда ҳатто ўткир йирингли жараённинг йирингли шакллари ҳам вақтида аниқлаш ва даволашни эрта бошлаш шароитида консерватив усуллар билан муваффақиятли даволаш мумкин. Бу ерда қорин орти йирингли касалликларни жарроҳлик усули билан даволаш тактикаси борасида мамлакатимиз олимларининг маълумотларини келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Қандли диабет бор беморларда йирингли патологик ҳолатларни консерватив усулда даволаш фақат даволашнинг узок муддатли натижаларини ёмонлаштиради, чунки деэскалацион антибиотикотерапия жараённинг сурункали кечишига ва кейинчалик мазкур ҳудудда тўқима ва органларнинг деструктив ўзгаришларига олиб келади. Шу

боис, бундай ҳолатларни олдини олиш ва яхши натижаларга эришиш учун жарроҳлик аралашуви зарур. Операция усулининг тури муҳим эмас, асосийси зарарланган ўчоғни тозалаш ва кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган асоратларни (масалан, фасциит) олдини олиш зарур (Орипов А.О., 2021; Камалов Т.Т., 2022; Атаков С.С., 2023; Мирзаев К.К., 2019).

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, қандли диабет фонида қорин орти йирингли-яллиғланиш касалликларини замонавий жарроҳлик усуллари орқали даволашда жарроҳликдан кейинги асоратлар сонининг камайиши билан намоён бўлган яхши натижаларга эришилган. Асоратларни олдини олиш ва касалликни даволаш бўйича янги усуллар ишлаб чиқилганига қарамай, натижалар ҳамيشа қониқарли бўлмаслиги мумкин, чунки ушбу беморларни жарроҳлик билан даволашда жарроҳликдан кейинги иккинчи даражали асоратлар ва ўлим ҳолатлари юқори даражада сақланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси шундай оғир патологияга дуч келган қорин орти бўшлиғидаги патологик ўчоқнинг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда янги, юқори самарали операция ва дренаж усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Шу сабабли ушбу тадқиқотни ўтказиш зарурати туғилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2019071231-сон “Қандли диабет билан касалланган беморларнинг йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги ёшлар гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш орқали қандли диабет фонида қорин орти йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қандли диабет фонида қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратлар ва қайта операциялар частотасини аниқлаш;

қандли диабет беморларда қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари жадаллашувига олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш;

қандли диабет фонида қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида зарарланган сохага боғлиқ ҳолда бажариладиган амалиётларнинг ўзига хослигини аниқлаш;

қандли диабет фонида қорин парда орти бўшлиғи йирингли-яллиғланиш касалликларида жарроҳлик ёндашуви тактикасини такомиллаштириш ва даволаш алгоритмининг ишлаб чиқиш;

диабетик беморларда қорин парда орти бўшлиғи йирингли-яллиғланиш касалликларида такомиллаштирилган жарроҳлик ёндашуви тактикаси ва ишлаб чиқилган даволаш алгоритмининг клиник самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Тошкент тиббиёт академияси Кўп тармоқли клиникасининг йирингли жарроҳлик бўлимида қандли диабети бўлган қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касаллиги туфайли стационар равишда даволанган 118 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қониқарсиз натижаларнинг аниқ сабабларини аниқлаш билан қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда ўтказилган жарроҳлик аралашувларининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий тўқималар ҳолатини етарлича баҳоламаслик, зарарланиш соҳасини ва қорин орти соҳасининг фасциал тузилишини ҳисобга олинмаслиги қандли диабет билан оғриган беморларда қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларининг кучайишига, ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда такрорий хирургик аралашувларга олиб келувчи асосий омиллар эканлиги аниқланган;

қандли диабет фонида қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида патологик жараённинг жойлашувига ва бошланғич зарарланиш ўчоғига боғлиқ ҳолда санацион ташрихларни ўтказишнинг тактик хусусиятлари аниқланган;

қандли диабет билан оғриган беморларда қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида зарарланиш ўчоғи жойлашувига кўра оператив аралашувни амалга ошириш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган;

қандли диабет фонида кечадиган қорин орти бўшлиғининг йирингли касалликларида дифференциаллашган хирургик тактиканинг ташрихдан кейинги асоратларнинг минимал даражада кузатилиши билан тавсифланувчи клиник самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабет фонида қорин орти бўшлиғининг йирингли касалликларида хирургик ташрихларни бажариш стратегиясини аниқлашда, патологик жараённинг жойлашуви ва йирингли фасциитнинг кескинлигини албатта ҳисобга олиш кераклиги исботланган;

қандли диабет фонида қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда фасциит белгиларининг намоён бўлиш даражасига қараб асоратларни олдини олишга қаратилган хирургик аралашувни амалга ошириш тактикаси аниқланган;

қандли диабет фонидаги қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида патологик жараённинг анатомик жойлашувини инобатга олган ҳолда мақбул хирургик кириб бориш ҳамда дренажлаш усулини танлашни таъминлайдиган даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

қорин орти бўшлиғининг юқори анатомик соҳаси зарарланишида йирингли ўчоқ ўриндиғи, ўрта қисми зарарланишида – пастки қисмни қамраб олган ҳолда ўрта соҳани, юқори ва ўрта қисмларнинг қўшма зарарланишида «Х»-шаклли дренажлаш, ўрта ва пастки анатомик соҳаларнинг қўшма зарарланишида – ёнбош-бел мушакларининг мушакли футлярини, пастки соҳанинг изоляцияланган зарарланишида эса иккита дренаж – биринчиси билан йирингли жараён соҳасини, иккинчиси билан ёнбош-бел мушакларининг мушакли футлярини дренажлаш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, ташрихдан кейинги асоратлар, такрорий жарроҳлик аралашувлари ҳамда қандли диабет билан оғриган беморларда қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларининг ривожланиш сабабларига оид мавжуд тушунчаларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар асосида қандли диабет фонида қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда даволаш самарадорлигини яхшилашни таъминлаган, асоратларни олдини олишга қаратилган жарроҳлик аралашувини амалга ошириш тактикаси аниқланганлиги, шунингдек, патологик жараёнининг анатомик жойлашувини инобатга олган ҳолда мақбул хирургик кириб бориш ва дренажлаш усулини танлашни таъминловчи даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қандли диабет фонида қорин орти йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: маҳаллий тўқималар ҳолатини етарлича баҳоламаслик, зарарланиш соҳасини ва қорин орти соҳасининг фасциал тузилишини ҳисобга олинмаслиги қандли диабет билан оғриган беморларда қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларининг кучайишига, ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда такрорий хирургик аралашувларга олиб келувчи асосий омиллар эканлиги аниқланганлиги Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 октябрда 10-23/38-х-сон билан тасдиқланган “Қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларини хирургик даволаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2023 йил 18 июлдаги 71-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли

тиббиёт марказининг 2023 йил 7 июлдаги 122-I-сон ва Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар марказий шифохонасининг 2024 йил 5 сентябрдаги 836-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/08-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: қандли диабет фонида қорин орти бўшлиғининг йирингли касалликларида хирургик таърихларни бажариш стратегиясини аниқлашда, патологик жараённинг жойлашуви ва йирингли фасциитнинг кескинлигини албатта ҳисобга олиш кераклигини имкониятини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: беморларда юқорида кўрсатилган лаборатор ва бошқа ҳолатларда диагностик кўрсаткичларни ўз вақтида аниқлаш, бошқа қўшимча маркерлар аниқланиши учун керак бўладиган сарф-харажатларни чеклайди ҳамда беморлар даволаниши учун керак бўладиган шифохона кунини қисқартиради. 1 нафар бемор учун 1 кунга керак бўладиган кунлик харажат Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўлимида ўртача хўжалик ҳисобидан даволанаётган бемор учун 250000 сўм, бюджет ҳисобидан даволанаётган бемор учун эса 200000 сўмни ташкил этади. Госпитализация кунининг 7-12 кундан 5-7 кунга камайтирилиши бир бемор учун хўжалик ҳисобидан 500000 сўм, бюджет ҳисобидан эса 400000 сўмнинг тежалишига олиб келади. Хулоса: Қандли диабет бўлган беморларда қорин парда орти бўшлиғи йирингли-яллиғланиш касалликларида йирингли жараённинг қайси соҳада жойлашганлигига қараб тўғри дифференциал усулда учоқ соҳасини такомиллаштирилган усулда дренажлаш асосий рол уйнайди, шу билан биргаликда касалликни эрта ташхислаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига маблағнинг ўртача 500000 дан 900000 минг сўмини иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: қандли диабет фонида қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида патологик жараённинг жойлашувига ва бошланғич зарарланиш ўчоғига боғлиқ ҳолда санацион таърихларни ўтказишнинг тактик хусусиятлари аниқланганлиги Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 октябрда 10-23/38-х-сон билан тасдиқланган “Қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларини хирургик даволаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2023 йил 18 июлдаги 71-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 7 июлдаги 122-I-сон ва Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар марказий шифохонасининг 2024 йил 5 сентябрдаги 836-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/08-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: қандли диабет фонида қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда фасциит белгиларининг намоён бўлиш даражасига қараб асоратларни олдини олишга қаратилган хирургик аралашувни амалга оширишни имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Тавсия этилган усулдан

фойдаланиш асоратларни олдини олиш имконини беради, қўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Стационар даволаниш учун энг кам харажат ҳар бир кун учун 547000 сўмни ташкил қилгани ҳолда, шифохонада қолиш муддатлари қисқариши ҳисобига 1 нафар беморга 1 кунда 547000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: Тавсия этилган усул келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради ва касалхонада бўлиш вақтини қисқартиради ҳамда тадқиқот кўлами бўйича ушбу усул қўлланилганда 71 нафар беморларда 1 кун учун 38837000 сўм бюджет маблағлари тежалади;

учинчи илмий янгилик: қандли диабет билан оғриган беморларда қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида зарарланиш ўчоғи жойлашувига кўра оператив аралашувни амалга ошириш кетма-кетлиги ишлаб чиқилганлиги Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 октябрда 10-23/38-х-сон билан тасдиқланган “Қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларини хирургик даволаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2023 йил 18 июлдаги 71-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 7 июлдаги 122-I-сон ва Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар марказий шифохонасининг 2024 йил 5 сентябрдаги 836-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/08-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: қандли диабет фонидаги қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида патологик жараённинг анатомик жойлашувини инобатга олган ҳолда мақбул хирургик кириб бориш ҳамда дренажлаш усулини танлашни таъминлайдиган даволаш алгоритми қўлланилганда, натижада асоратлар сонини камайтиришга ва даволаш сифатини оширишга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: даволаш алгоритмини жорий этилганда 1 нафар беморнинг шифохонада 1 кунлик даволанишига дори-дармон учун жами 382000 сўм миқдоридаги давлат бюджети маблағлари сарфланади. Хулоса: қандли диабет фонидаги қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларида патологик жараённинг анатомик жойлашувини инобатга олган ҳолда мақбул хирургик кириб бориш ҳамда дренажлаш усулини танлашни таъминлайдиган даволаш алгоритмини тадбиқ этканда беморларнинг шифохонада даволанишига дори-дармон қисқартириш харажатлари ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича ($n=71$) 27122000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалишини таъминлайди.

тўртинчи илмий янгилик: қандли диабет фонида кечадиган қорин орти бўшлиғининг йирингли касалликларида дифференциаллашган хирургик тактиканинг ташрихдан кейинги асоратларнинг минимал даражада кузатилиши билан тавсифланувчи клиник самарадорлиги исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 9 октябрда 10-23/38-х-сон билан тасдиқланган “Қорин орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларини хирургик даволаш” номли услубий

тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2023 йил 18 июлдаги 71-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 7 июлдаги 122-I-сон ва Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар марказий шифохонасининг 2024 йил 5 сентябрдаги 836-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 10 декабрдаги 10/08-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: мақсадсиз дори-дармонлар қўлланилишининг олдини олиш; тор мутахассис шифокорлар маслаҳатининг тежалиши беморларнинг шифохонада даволанадиган кунларининг камайишига сабаб бўлади. Беморнинг шифохонада даволаниш кунининг камайтирилиши ҳам дори-дармонларнинг харажатини камайтиради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: 1 нафар бемор учун 1 кунга керак бўладиган кунлик харажат Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўлимида ўртача хўжалик ҳисобидан даволанаётган бемор учун 250000 сўм, бюджет ҳисобидан даволанаётган бемор учун эса 200000 сўмни ташкил этади. Госпитализация кунининг 7-12 кундан 5-7 кунга камайтирилиши бир бемор учун хўжалик ҳисобидан 500000 сўм, бюджет ҳисобидан эса 400000 минг сўмнинг тежалишига олиб келади. Хулоса: Такомиллаштирилган амалиётларнинг бажарилиши (асосий гуруҳ (n=71)) бўйича такомиллаштирилган жарроҳлик стратегияси 92.9% ҳолларда яхши натижаларга олиб келди ($p>0,005$), бу таққослаш гуруҳидаги беморларга (74.7%) қараганда анча юқори ҳисобланади. Ушбу олиб борилган жарроҳлик тактикаси натижасида амалиётдан кейинги даврда ўлим ҳолатларининг қайд этилмади (таққослаш гуруҳида – 11.1% (n=2)) ($p>0,005$).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари батафсил баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қандли диабет фонида йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашга замонавий қарашлари» деб номланган биринчи бобида ушбу муаммонинг замонавий ҳолати бўйича илмий маълумотлар ҳар томонлама таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида кейинчалик ўрганиш ва ишлаб чиқишни талаб қиладиган мунозарали ва ҳал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг «Клиник материал ва қўлланилган текшириш усуллари

Барча текширилган беморлар, ўтказилган диагностика ва жарроҳлик аралашувларга кўра, 2 гуруҳга бўлинган. Такқослаш гуруҳни 2015-2018 йилларда шифохонада стационар равишда даволанган 47 (39,8%) нафар бемор ташкил этган. Ушбу беморларда жарроҳлик амалиёти анъанавий усулда яъни қорин парда орти бўшлиғида жойлашган йирингли ўчоқни жойлашган зонаси ва уни анатомик хусусиялари инобатга олинмаган ҳолда бажарилди.

Асосий гуруҳга 2019-2023 йилларда даволанган 71 (60,2%) нафар бемор киритилган. Беморларга жарроҳлик амалиётлари, паталогик жараёнларни қорин орти парда бўшлиғида жойлашувига кўра табақалашган усулда олиб борилди.

Йирингли-яллиғланиш касалликлари жараёни ва тарқалиши таҳлил қилинганда, кўпинча беморларда қорин парда орти бўшлиғи флегмонаси билан мурожат қилганлиги аниқланди – 45 та бемор (38,1%) 118 тадан. Бу беморларда паталогик жараён аниқ чегараларга эга эмас ва бу беморлар даволаш нуқтаи назаридан мураккаб контингентга киради. Қорин парда орти бўшлиғи абсцесси ва амалиётдан кейинги жароҳат йиринглаши нисбатан камроқ кузатилди 28 (23,7%) ва 25 (21,2%).

Охиригиси бизнинг клиникамизга мурожаат қилгунга қадар, бошқа даволаш муассасаларида қорин парда орти бўшлиғи йирингли яллиғланиш касалликлари билан бир неча бор жарроҳлик амалиётларини ўтказган. Йиринглаган киста ва қорин парда орти бўшлиғи гематомасининг йиринглаши билан оғриган беморлар кам учраган – мос равишда 6,7 ва 10,1%. Гематома йиринглаши кўпинча асосий гуруҳдаги беморларда кўп учради (10 та 12 тадан), бу ҳолатни биз Ковид билан касалланганда коагулограммани бузилиши билан боғладик (1-жадвал).

Хамма ҳолатларда амалиётдан олдин операция тактикасини аниқлаш мақсадида керакли қон текширувлари ва МСКТ текшируви бажарилди. Барча беморлар қандли диабет билан касалланган ва қондаги глюкоза миқдорини тушириш учун мунтазам дори воситаларини қабул қилган. Қондаги гликемия кўрсаткичидан қатий назар барча беморлар инсулинга ўтказилди сабаби, ушбу схемани бемалол бошқариш мумкин.

Касаллик назологиясига кўра беморларни тақсимланиши

КПОБ ЙЯК нозологияси	Таққослаш гурухи		Асосий гурух		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%
Абсцесс	12	25,5	16	22,5	28	23,7
Флегмона	20	42,5	25	35,2	45	38,1
Йириглаган киста	3	6,4	5	7,0	8	6,7
Йириглаган гематома	2	4,2	10	14,1	12	10,1
А/ж йириглаши	10	21,2	15	21,1	25	21,2
Жами	47	100	71	100	118	100

Бизнинг текширувимизда инсулинга боғлиқ бўлган беморлар сони 104 та (88,1%), қандли диабет 1 тип эса 14 та (11,9%) беморларни ташкил қилди. Жарроҳлик даволаш тактикаси танлашда ва амалиётдан кейинги статистик натижаларда гурухлар ўртасида номутаносиблик аниқланмади.

Жарроҳлик даволаш тактикасини танлашда ва олинган операциядан кейинги натижаларда гурухлар ўртасида статистик фарқлар аниқланмади.

Шунинг учун, диабет турига қарамай, барча беморларда стандарт даволаш усули қўлланилди. Беморлар фақат ёндош касалликларнинг мавжудлиги ва оғирлиги билан фарқ қилди, аммо ушбу диссертация ишимизда фақат қорин парда орти бўшлиғининг йиригли-яллиғланиш жараёнларига эътибор қаратдик.

Касалликни клиник кечиши ва лаборатор кўрсаткичларни таҳлили шуни кўрсатдики, қандли диабет бор беморларда йиригли яллиғланиш касалликларида ушбу параметрлар ўртасида билвосита боғлиқлик борлиги аниқланди, шунинг учун кўпроқ яширин ёки ўртача клиник кўриниш намоён бўлади. Маълумотлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, клиник ва чегараланган лаборатор кўрсаткичлар ёрдамида, қорин парда орти бўшлиғи йиригли яллиғланиш касалликларининг интоксикация ҳолатини аниқлаб бўлмайди.


Лаборатор кўрсаткичлардан энг аҳамиятлиси қондаги прокальцитонининг миқдори ҳисобланди чунки, у интоксикация жараёнини аниқлашда ва юмшоқ тўқималарнинг зарарланишида асосий маркер ҳисобланди.

Ушбу кўрсаткичнинг спецификлиги 75,4% ташкил қилди. Касалликнинг клиник белгиларидан кўп ҳолларда тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми (ТЯРС) белгилари ёки симптомлар мажмуаси ишончли бўлиб ҳисобланди ҳамда 41 беморда (34,7%) аниқланди.

Диссертациянинг «**Анъанавий усул билан операция қилинган беморларнинг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида, олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, асосан чап томонлама қорин парда орти

бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари учраган ва мос равишда 59,6%, ўнг томонда патологик ўчоқнинг учраши 40,4% ни ташкил этди.

Шуни таъкидлаш керакки, касалликнинг томонларда учраши нозологиясига кўра қорин орти парда бўшлиғи флегмонали беморларда чап томонда учраши икки маротаба устунликка эга. Бошқа ҳолларда, амалиётдан кейинги яранинг йиринглаши ёки операциядан кейинги асоратлари қорин парда орти бўшлиғининг ўнг томони аниқ етакчилик қилди (1-расм).



1-расм. Таққослаш гуруҳи беморларидаги ҚПОБ йирингли-яллиғланиш жараёнининг жойлашуви.

Шундай қилиб, қандли диабет фонида қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари бўлган беморларга жарроҳлик аралашувларни амалга оширишда нафақат патологик ўчоқнинг локализациясига, жарроҳлик амалиёти ва амалиётдан кейинги даврда таъсир қилувчи ёндош касалликларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Асосий даврлардан бири –бу аъзо ва системаларни бузилишини коррекция қилиш, бу беморга йирингли яллиғланиш жараёнинг кечиш оғирлигига қараб беморларга индивидуал танланади.

Ретроспектив тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, қорин парда орти бўшлиғининг энг кўп зарарланган соҳаси ўрта соҳасига тўғри келди (23 (48,9%) бемор, 47 тадан). Албатта, қорин парда орти бўшлиғининг зарарланган қисмини чегаралаб кўрсатиш ёки зарарланган соҳасини ўзини ўрганиш мумкин эмас, биз бу ерда фақат йирингли-яллиғланиш жараёнининг асосий кўринишини ёки дастлабки зарарланишини ҳисобга олдик. Кўп ҳолатларда бир нечта анатомик соҳани бирга зарарланишлари кузатилди. Қорин парда орти бўшлиқнинг барча қисмларини ўз ичига олган умумий

зараланиш ёки кўп йирингли жараён 5 та ҳолатда (10,6%) кузатилган. Улардан 4 та беморда патологик ўчоқ чап томонлама локализацияси эга бўлган. Беморларни тақсимлашда бирламчи йирингли жараённинг локализациясини ҳисобга олган ҳолда бу ҳолатлар ҳам киритилган. Олинган маълумотлар анализ қилинганда, амалиётдан кейинги яқин асоратлар 47 та бемордан 13 та (27,6%) беморда кузатилди.

Йирингли ўчоқни санация қилгандан сўнг, операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши кўп кузатилди (6 беморда) ва бу қорин парда орти бўшлиғининг давом этаётган яллиғланиш жараёни ва йирингли-яллиғланиш соҳасини ювиш давомийлиги билан боғлиқ бўлди. Фақат 2 ҳолатда (4,2%) амалиётдан кейинги эрта даврда дренаждан қон кетиш ҳолати кузатилди, ревизия ва қон кетишини тўхтатиш учун қайта операция қилинди. Амалиётдан кейинги яқин даврда иккита беморда йўғон ичак ташки оқмаси клиник белгилари намоён бўлди ва бу Толдт фасциясининг зарарланиши ва ёрилиши билан боғлиқ эди (2-жадвал).

2-жадвал.

Операциядан кейинги натижани баҳолаш мезонлари

Яхши	Беморни қайта амалиётларсиз бирламчи тузалиши
Қоникарли	Беморни қайта амалиётдан кейин тузалиши
Қоникарсиз	Бемор ўлими

Қандли диабет бўлган беморларнинг қорин парда орти бўшлиғининг йирингли жараёни бўлган беморларда операциядан кейинги натижаларни баҳолаш учун, биз клиник мезонлар ишлаб чиқдик ҳамда улар асосида узок муддатли натижаларни таҳлил қилдик (12 ойдан кейин).

Яхши натижа деб, жарроҳлик амалиётидан сўнг қайта амалиётларга эҳтиёж кузатилмасдан тузалишларни инобатга олдик, қоникарли деб эса – қайта жарроҳлик амалиётдан сўнг тузалган беморлар ҳисобладик ва ўлим ҳолати кузатилган беморлар натижасини- қоникарсиз деб ҳисобладик.

Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, шу нарса аниқ бўлдики – қорин парда орти бўшлиғининг чап томонида кўп зарарланиши кузатилган (59,5%). Бизнинг фикримизча ушбу ҳолатнинг кўп учрашига ошқозон ости безининг кўп асоратлари билан боғлиқ. Агар қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликларини жарроҳлик даволаш натижаларини жойлашувига кўра кўриб чиқадиган бўлсак, энг кўп зарарланадиган анатомик соҳа ўрта ва пастки соҳаларига тўғри келади. Юқори соҳасида эса, кам учрайди ва яхши натижа кузатилади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Қорин парда орти бўшлиғида патологик жараённинг жойлашувига қараб операцияларни бажаришнинг жарроҳлик стратегияси**» тақдим қилинган. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, асосий гуруҳ беморларида ҳам чап томонлама қорин парда орти соҳасининг зарарланиши таққослаш гуруҳи беморлари сингари кўп кузатилди. Учраш нисбийлиги 35,2 га 64,8 % ни ташкил қилди. Патологик ўчоқнинг локализациясини батафсил таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қорин парда орти соҳасининг флегмоналарида беморларда катта фарқ аниқланди,

чап томоннинг зарарланиши ўнг томонга қараганда 2 барабар кўп кузатилди. Юқоридаги ҳолат йиринглаган гематома ва йиринглаган киста ҳолатларида ҳам кузатилди. Қорин парда орти бушлиғининг абсцессларида ва амалиётдан кейинги жароҳатнинг йиринглашининг учраш фоизлари унча катта фарқ қилмади.


Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу асоратларнинг сабаби ўткир панкреатит ва сигмасимон ичак йирингли-яллиғланиш касалликларининг асоратларини тез-тез учрашидир. Техник томондан, қорин парда орти бушлиғининг санація қилиш ва дренажлаш бир хил эди ва операциядан кейинги даврда ҳам ўзига хос хусусиятлар йўқ эди (3 жадвал).

3-жадвал.

**ЙЯКларининг қорин парда орти соҳасида жойлашиш
локализацияси**

ҚПОБ ЙЯК нозологияси	Ўнг томон		Чап томон	
	n	%	n	%
Абсцесс	7	28,0	9	19,5
Флегмона	8	32,0	17	37,0
Йиринглаган киста	1	4,0	4	8,7
Йиринглаган гематома	3	12,0	7	15,2
Т/к жароҳат йиринглаши	6	24,0	9	19,5
Жами	25	35,2	46	64,8

Асосий гуруҳдаги беморларда зарарланган ўчоққа жарроҳлик йўли билан кириш ва дренажлашни танлаш бўйича, бизнинг жарроҳлик тактикамиз патологик ўчоқнинг жойлашган локализациясига қатъий боғлиқ бўлди.



2-расм. Асосий гуруҳ беморларининг қорин парда орти бўшлиғида ЙЯК жойлашуви.

Бунда асосий зарарланиш соҳасини чап томонлама ўрта булим эгаллади – 31% (22 та бемор 71 тадан). Таққослаш гуруҳи сингари ушбу гуруҳда ҳам, юқори соҳани зарарланиши энг кам сонли бўлди. Ушбу соҳани қорин парда

орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари билан зарарланиши 15 та беморда кузатилди (21.1%), ушбу вазиятда пастки соханинг зарарланиши эса 71 бемордан 25 (35.2%) та беморда кузатилди. Умуман, қорин парда орти бўшлиғининг ўрта сохасидаги йирингли яллиғланиш касаллиги 31 та (43.6%) беморда кузатилди ва биз юқорида этиб ўтилгандек, фақат бирламчи ўчоқли зарарланишларни олганмиз.

Стационар даволанаётган беморлар умумий ҳолатини тулиқ баҳолаш ва динамикада даволаш натижаларини кузатиш мақсадида лейкоцитнинг интоксикация даражаси қатий кузатиб борилди. Ушбу кўрсаткичнинг қондаги тулиқ таҳлилида 62 та (87.3%) беморда лейкоцитоз кузатилди, ушбу ҳолатда медиана $6.6 \pm 0.4 \times 10^9$ /л, мос равишда 97.1% беморларда ҳам ЭЧТ ошди – 34.7 ± 4.9 мм/с.

Яқин кузатувлар давомида олинган маъмулотлар таҳлил қилинганда таққослаш гуруҳи беморларида 8 та (11.2%) амалиётдан кейинги турли хил асоратлар кузатилган. Шулардан энг кўп учрагани амалиётдан кейинги жароҳат йиринглаши – (5.6%) ва ўз вақтидаги санация ва атибактериал даво натижасида кейинчалик учраши мумкин бўлган бошқа асоратлари олди олинди. Қон кетиш ва йўғон ичак оқма яраси асоратлари мос равишда биттадан беморда кузатилди ҳамда қушимча жарроҳлик чоралари кўрилди.

Қорин парда орти сохаси амалиётдан кейинги ўчоқ сохасида 2 та беморда гематома кузатилди ва ушбу ҳолатда иккала беморда ҳам қушимча жарроҳлик амалиётларисиз асоратлари олди олинди.

Шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳдаги қорин парда орти бўшлиғининг зарарланган қисмини ҳисобга олган ҳолда дифференциал жарроҳлик ёндашувидан фойдаланиб, биз такрорий жарроҳлик аралашувларнинг сонини камайтиришга ва жарроҳлик аралашувининг қоникарсиз натижаларини олдини олишга муваффақ бўлдик (ушбу гуруҳ беморларида кузутув давомида ўлим ҳолатлари қайд этилмади) (4-жадвал).

4-жадвал.

Йирингли-яллиғланиш жараёнининг локализациясига қараб, асосий гуруҳ беморларини даволаш натижаси

Даволаш натижаси	D			S			Жами
	Н	М	L	Н	М	L	
Яхши	6 (9,1)	8 (12,1)	9 (13,6)	9 (13,6)	20 (30,3)	14 (21,2)	66 (92,9)
Қоникарли	-	1 (20,0)	1 (20,0)	-	2 (40,0)	1 (20,0)	5 (7,1)
Жами	6 (8,4)	9 (12,6)	10 (14,1)	9 (12,6)	22 (31,0)	15 (21,1)	71 (100)

Асосий гуруҳнинг анатомик сохасига қараб, қорин парда орти бўшлиғининг йирингли-яллиғланиш касалликлари бўлган беморларда тўғри танланган жарроҳлик стратегияси ва дренаж усулининг модификация қилинган усули жуда самарали бўлди.




3–расм. ҚПОБ ЙЯК даволаш алгоритми.


Қорин парда орти бўшлиғининг йирингли касалликларида дифференциаллашган жаррохлик усулида ёндашувимиз, ҳар томонлама натижаларни баҳолашнинг барча мезонларига мувофиқ юқори самарадорликни кўрсатди. Агар яқин натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, асосий гуруҳ беморларида анча яхши натижаларни кўришимиз мумкин. Ушбу усулни самарадорлигини жаррохлик амалиётларидан кейин йирингли асоратларнинг камайиши билан куришимиз мумкин – таққослаш гуруҳида 12.8%, асосий гуруҳда эса 5.6 % ни ташкил этди.

Амалга оширилган санациядан кейинги дастлабки даврда фаол қон кетиш ва ичак оқмаси пайдо бўлиши билан ичак шикастланишининг клиник белгиларининг пайдо бўлиши бир хил нисбатда, таққослаш гуруҳидаги беморларда – 4,2% ва асосий гуруҳ – 1,4%. Шунингдек, асосий гуруҳ беморларида операциядан кейинги гематомаларнинг частотаси деярли 2,5 баравар камайди (6,4 дан 2,8% гача) (4-расм).

Маълумотлар таҳлил қилинганда, асосий гуруҳ беморларида такомиллаштирилган жаррохлик усули ёрдамида асосий гуруҳ беморларида натижаларни 20% яхшилашга эришилди, шундай қилиб яхши натижалар 74.4% дан 92.9% гача кўтарилди. Қониқарли деб ҳисобланган қайта жаррохлик амалиётлари сони ҳам 4 маротабагача камайди – таққослаш гуруҳида 28.5%, асосий гуруҳда эса 7.1 % (5-расм).



Қон кетиши О/ж йиринглаши ҚПОБ гематомаси Ичак оқмаси
4-расм. Яқин асоратларнинг қиёсий таснифи.



5-расм. ҚПОБ ЙЯК такомиллаштирилган усулнинг эффективлиги.

Асосий гуруҳ беморларининг актив кузатиш давомида, биз ўлим ҳолатларини кузатмадик, холбуки таққослаш гуруҳида узоқ кузатув даври мобайнида икки беморда қайта жаррохлик амалиётлари натижасида бир йил давомида ўлим ҳолати қайд этилди.

Умуман олганда, жаррохлик натижаларини асосий гуруҳ беморларида ишончлий фарқлар билан қайт этилди, яъни амалиётдан кейинги яқин даврда амалиётдан кейинги ва йирингли ўчоқ соҳаларининг жаррохлик амалиётдан кейинги асоратлари камайди. Қайта жаррохлик аралашувлари беморлар учун ҳам физик, ҳам психик жароҳат ҳисобланади. Баъзи ҳолларда бажарилган жаррохлик техникаси ва адекват медикаментоз давога қарамасдан қайта операцияларга зарурият туғилди.

Таққослаш гуруҳида қайта жаррохлик амалиёти 28,5% беморларга бажарилган бўлса, асосий гуруҳ беморларига эса қайта, иккиламчи жаррохлик

амалиётлари 7,1% беморларда бажарилди.

Сўзсиз, қорин парда орти бўшлиғининг йирингли яллиғланиш касалликларида нотўғри танланган жаррохлик йўли ёки ноадекват бажарилган операция қайта амалиётларни бажарилишига олиб келади. Кўпчилик беморлар қайта жаррохлик амалиётларидан сунг, социал ҳолатини йўқотади, психоэмоционал жароҳатланади шу билан бирга яқин вақт ичида ёндош касалликлари ҳисобига умумий ҳолати ва статуси ёмонлашади.

Шунинг учун ушбу тадқиқот беморларнинг ижтимоий ҳолати ва қадли диабет фонида қорин парда орти бўшлиғининг йирингли жараёнлари бўлган беморларда жиддий асоратларнинг олдини олиш нуктаи назаридан долзарбдир.

Қандли диабет б бўлган беморларда қорин парда орти бўшлиғининг йирингли яллиғланиш касалликлари ушбу соҳаса жойлашган жойига қараб, амалиётдан кейинги асоратларни ривожланиши мумкинлиги, зарарланган сегментларни инобатга олган ҳолда жаррохлик аралашуви техникаси такомиллаштирилди ва модификация қилинди.

Қорин парда орти бўшлиғининг зарарланган қисмини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашув ёрдамида операцияларни бажариш, аксарият ҳолларда операциядан кейинги асоратларнинг минимал частотаси билан, яқин ва узоқ муддатли кузатувда ижобий натижага эришишга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР:

1. Қандли диабет фонида қорин парда орти бўшлиғи йирингли-яллиғланиш касаллиги булган беморлар узига хос оғир кечувчи жараён билан ажралиб туради ва анъанавий ёндошув орқали даволаш 27,6% ($p>0,05$) ҳолатларда амалиётдан кейинги асоратлар ривожланишига олиб келади. Патологик жараённи жадаллашуви натижасида 28,5% ($p>0,001$) ҳолатларда қайта амалиётлар бажарилишига олиб келади.

2. Қандли диабет б бўлган беморларда қорин парда орти бўшлиғи йирингли касалликларини жадаллашувига ёки қайталанишига бир қанча сабаблар олиб келади. Буларга зарарланган учокни тўлиқ дренажланмаслиги, сурункали фасциит белгиларини ҳисобга олинмаслиги ва номутаносиб жаррохлик йулини танланиши сабаб бўлади. Оптимал жаррохлик йулини танланмаслиги маҳаллий асоратлар частотасини 16,2% гача оширади.

3. Қорин парда орти бўшлиғи йирингли-яллиғланиш касалликларида амалиётни амалга оширишда патологик жараённи жойлашувига эътибор қаратилади ва жаррохлик йули шунга нисбатан танланади. Қорин парда орти соҳасини ўрта ва пастки зоналарини зарарланишида бел-ёнбош мушаги футляри дренажланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўрта соҳани изолирланган зарарланишларида «Х» – симон дренажлаш энг самарали ҳисобланади.

4. Қандли диабет б бўлган беморларда қорин парда орти бўшлиғи йирингли касалликларини патологик ўчокни жойлашган соҳасига кўра такомиллаштирилган табақалаштирилган жаррохлик тактикаси юқори самарали ҳисобланади ва асосий гуруҳ беморларини ишлаб чиқилган оптимал алгоритм ёрдамида жаррохлик даволаш амалиётдан кейинги асоратлар частотасини 27,6 дан 15,5% ($p>0,001$) гача ва қайта операциялар сонини 28,5 дан 7,1% ($p>0,005$) гача камайишига олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01
ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КУЧКАРОВ АКМАЛ АРТИГАЛИЕВИЧ

**ВЫБОР ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ ПРИ ГНОЙНО-ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ
ЗАБОЛЕВАНИЯХ ЗАБРЮШИННОГО ПРОСТРАНСТВА У БОЛЬНЫХ
САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Андижан – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за № B2022.2.PhD/Tib2900.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Матмуротов Кувондик Жуманиёзович**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Камалов Тельман Туляганович**
доктор медицинских наук

Касимов Адхам Лутфуллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского (Российская Федерация)**

Защита состоится «___» _____ 2025 г. в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте по присуждению ученых степеней (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Атабекова, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижанский государственный медицинский институт).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Атабекова, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2025 года).

М.М. Мадазимов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.Ф. Нишанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

